Биография

Машкура Туропова



Машкура Шукуровна Туропова 1943 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1960 йида у мактабни медаль билан битириб, ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетига ўқишга кирди. 1972 йилда академик Ш.Шоабдурахмонов раҳбарлигида “Ўзбек шеваларида гап бўлаклари тартиби” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Тил ва адабиёт институтида фанга бахшида ўтган 25 йиллик умрининг мазмуни, тинимсиз изланишлар натижаси “Тошкент области ўзбек шевалари”, “Ўзбек шевалари синтаксиси”, “Ўзбек шевалари лексикаси”, “Андижон вилояти ўзбек шевалари луғати” каби илмий асарларда ўз аксини топди.

Олима 1990 йилда Тошкент давлат педиатрия институти “Ўзбек тили” кафедрасига доцент лавозимига ишга ўтди. Кейинроқ эса тошкент давлат шарқшунослик институти “Ўзбек тили” кафедрасида фаолиятини давом эттирди. Педагогик фаолияти давомида республика олий ўқув юртлари талабалари учун бир қатор дарслик ва ўқув қўлланмалар яратди.

Асарлари:

1976 Тошкент области ўзбек шевалари. Монография. Т., “Фан”

1984 Ўзбек шевалари синтаксиси. Монография. Т., “Фан”

1986 Ўзбек шевалари морфологияси /Ёрдамчи сўзлар/. Монография.Т., “Фан”

1991 Ўзбек шевалари лексикаси. Монография.Т., “Фан”
Андижон вилояти ўзбек шевалари луғати.

1992 Ўзбек тили (3-қисм). Услубий қўлланма. Тошкент .

1994 Узбекский язык. Дарслик. Т.

1997 Ўзбек тилида сўз таркиби. Услубий қўлланма. Т.
Феъл замонлари. Услубий қўлланма. Т.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.